

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳихлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.Йўлчиев

Лирик шеърда сюжет ва топохронос 102

С.Эшонқулов

Нодира лирикасининг бадиият олами асослари 108

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов

Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши 113

З.Рахимов, Ш.Искандарова

Фарона тилшунослик мактаби 116

Р.Шукуров, Г.Жўрабоева

Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир 123

М.Абдуллаттоев

Поэтик нутқни ўрганиш масалалари 128

З.Алимова

Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши 133

Ш.Дадабоева

Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари 138

Н.Якубова

Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот обьекти сифатида 142

Л.Абдуллаева

Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида 146

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Н.Расулова

Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг
моделлари 150

Г.Хамраева

Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш
усуллари 157

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Мирзарахимов, А.Сироғиддинов, Ж.Назирқулов

Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини
норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш 163

М.Султонова

Ўзбекистонда телетибиёт тизимини ташкил этиш тизими модели
ва ундаги муаммолар 167

Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўумонов, М.Акбарова

Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол
моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш 171

И.Асқаров, М.Холматова

Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби 175

Х.Муйдинов, Ж.Қодиров

Қорамол тери ости бўқалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўқалар
ҳашаротларининг учиш муддатлари 180

Ш.Усанов

Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари 183

А.Эшниязова

Ижодкор биографияси ва уруш фожиаси 187

Т.Рузибоев

Жудолик Навоий талқинида 191

Ш.Махмиджонов

Рұхият қирраларининг бадиий талқинлари 195

ИЖОДКОР БИОГРАФИЯСИ ВА УРУШ ФОЖИАСИ

БИОГРАФИЯ ПИСАТЕЛЯ И ТРАГЕДИЯ ВОЙНЫ

WRITER'S BIOGRAPHY AND WAR TRAGEDY

Эшниязова Айимхан Шерипбаевна¹

1 Эшниязова Айимхан Шерипбаевна

— Тошкент давлат техника университети
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Мақолада Қўчкор Норқобилнинг афғон урушининг инсоният бошига солған изтироблари, “йўқотилган авлод” ҳаётини акс эттирган “Биз жангдан қайтмадик” ва “Дарё ортидаги йиги” қиссалари таҳлил этилади. Бемаъни урушининг оқибатлари, ёш авлод умрининг завол топиши, тузум сиёсати акс этган асарлар тадқиқ қилинган.

Аннотация

В статье анализируются повести Кучкара Норкобила “Мы не вернулись с битвы” и “Плачь за рекой”, отражающие страдания человечества от афганской войны, жизнь “потерянного поколения”. Исследованы произведения, в которых отражены последствия бессмысленной войны, гибель молодого поколения и политическая система того периода.

Annotation

This article analyzes the Kochkar Norkobil's stories “We did not return from the war” and “Weeping behind the river”, about suffering from Afghan war, which reflect the life of the “lost generation”. The consequences of the senseless war, downfall of the younger generation, the political system of that period have been studied.

Таянч сўз ва иборалар: Ватан ҳимояси, қисса, уруш, афғон уруши, давр сиёсати, “йўқотилган авлод”, шуро ҳукумати.

Ключевые слова и выражения: защита Родины, повесть, война, афганская война, политика эпохи, “потерянное поколение”, советская власть.

Keywords and expressions: Homeland defense, story, war, Afghan war, policy of the period, “lost generation”, Soviet government.

Қўчкор Норқобил қиссаларининг бошқа ижодкорларнидан ажralиб турадиган жиҳати бу афғон уруши мавзусининг бадиий тадқиқ қилинишидир. Адибнинг ўзи ўша воқеалар, жанггоҳлар иштирокчиси, фаол ҳаракатдаги ҳарбий бўлинмалар жангчиси бўлиб урушга кирган, икки йил қон кечган, ўлим билан юзма-юз келган. Ёзувчи кундалигига “Инсониятга инсоннинг кимлиги ҳақида рўй-рост ҳикоя қилолмаган асарларнинг ҳаммаси ёлғон” деган ақидани келтириб ўтади. Ижодкорнинг шахсиятини бадиий асарнинг матнидан излаш лозим. Бадиий матнни эстетик идрок қилиш, тушуниш, билиш ижодкорнинг қалбини англашга олиб келади. Бадиий асардаги қаҳрамон руҳияти асар ижодкори руҳияти билан уйғунликда таҳлил қилинса, мақсадга осон эришилади. Адиб қиссаларининг моҳияти bemáyни ва машъум афғон уруши оқибатида умри бехуда сарфланган, ноҳақлик курбонига айланган алданган авлоднинг фожиасини очишга қаратилган. Ёзувчи афғон уруши фожиасини ўзи

кузатган, гувоҳи бўлган ва бу урушнинг кечирилмас ноҳақлик, адолатсизлик намунаси бўлганлигини, қалбига солған оғриқларини “Кулиб тур, азизим”, “Ўн саккизга кирмаган мен бор”, “Дарё ортидаги йиги”, “Биз жангдан қайтмадик” ва “Қишдаги лола” қиссаларида бадиий гавдалантиради. Адиб асарларида афғон урушида қатнашган, ҳаёт билан ўлим ўртасида муаллақ қолган йигитлар ҳолати, дунёсини тасвирлар экан, бу йигитлар урушдан омон қайтса ҳам, юрагига заҳм етгани, улар қисмати аянчли экани китобхонни ўйга толдиради. Қ.Норқобил бадииятининг ўзига хос хусусияти барча асарларининг бош қаҳрамони, ровий – ёзувчининг ўзи. Ёзувчи ўз исмини ҳам ўзгартирмайди, ҳамма тасвирлар жонли чиқиши учун жанг майдонида кўрган воқеаларни холис тасвirlайди.

Уруш ҳеч қачон ўзини оқламаган. Уруш мавзусида қанча асарлар яратилди ва яратилмоқда. Бу асарларнинг барчасида инсон фожиасининг энг тубан кўриниши бир-

бирини қиришнинг офат эканлиги, уруш ўз даврининг, балки келажак авлоднинг фалокати эканлиги, “йўқотилган авлод” ҳаётидан ҳикоя қиласи. Бу авлод эндигина ҳаётга қадам қўйган, дунёни беғубор болалик нигоҳи билан кузатадиган, қабоҳат нималигини англамаган навқирон ёшлар эди. Уларнинг кўпчилиги урушда йўқотилди, омон қолганлари бир умр хотира оғриғидан азият чекадиган, ютқазадиган ҳам навқирон авлод, уруш авлодлар занжиридаги халқани синдиришга уриниш эканлиги исботланган ҳақиқат. Жаҳон адабиётида Э.Хемингуэйнинг “Алвидо қурол”, Эрих Мария Ремаркнинг “Фарбий фронтда ўзгариш йўқ” ва Светлана Алексеевич “Урушнинг аёлга ёт қиёфаси” асарларида уруш даҳшатларини бошдан кечирган, руҳан эзилган, жамиятдан бегоналашган ва болалик орзу-умидлари чилпарчин бўлган бутун бир авлоднинг аянчли қисмати бор. Урушнинг фожиаси,adolatsizligi кимларнингdir манфаати асосида уюштирилади, азоби, азияти, гуноҳи эса унинг иштирокчилари гарданига юкланди: “Урушда душман мамлакатларнинг вазир ва генераллари майдонга тушиб, бир-бири билан олишсин. Ким енгса ўша мамлакат ғолиб чиққан ҳисобланади. Шундаadolatli иш бўлади. Ҳозир-чи? Мутлақо нотаниш одамлар бир-бирини ўлдириб ётишибди” [3.218]. Уруш мавзусидаги асарларда урушнинг кимларнингdir манфаати асосида уюштирилгани, ўйинлар асосига қурилганини, бундан эса жамиятнинг энди вояга етган авлоди азият чеккани, уларнинг ҳаётини фожиага айлантирганинг гувоҳи бўламиз. “Мен ўшман – эндигина йигирмага кирдим, лекин кўрганларим қон, ўлим, кўркув ва мудҳиш азоб-уқубатдан иборат нурсиз, бемақсад ҳаёт бўлди. Кимдир бир халқни иккинчисига гижгижлайди, одамлар бирорнинг иродасига бўйсуниб, бир-бирларини ўлдирадилар, лекин жиноят қилаётганликлари ва гуноҳга ботаётганликлари ҳақида ўйламайдилар. Инсониятнинг энг доно вакиллари янги-янги қуролларни яратадилар ва буни оқлаш учун қоп-қоп сўзларни топадилар. Жазосини биз тортамиз, ер юзидағи жамики тенгдошларим тортишади” [3.219]. Уруш ёш авлодни Ватан ҳимояси учун қўлига қурол берди, уларнинг ҳаётини издан чиқариб ўзи билан

олиб кетди, омон қолганларнинг хотирасида, жисмида ўз ёвузыгини намойиш қилиб яшади.

Қ.Норқобил қиссалари афғон уруши ва шўро ҳукуматининг нотўғри сиёсатини қоралаш, урушга бўлган нафратнинг сўздаги ифодаси эди. “Биз жангдан қайтмадик” қиссаси ёзувчининг урушга бўлган нафрати, эътирози, хулосалари намунаси. Афғон уруши яъни савр инқилоби деб ҳам номланган манфаатлар асосига қурилган урушнинг жафокашлари ва умри саробга айланган навқирон авлодлар тақдиридан ҳикоя қиласи. Мана урушдаги жангчиларнинг ҳолати: “Ротадаги аскарларнинг деярли ҳаммаси нима қилишини билмай, савдои бўлиб қолишган, улар инсон руҳини чилпарчин қиладиган қора кунлар ҳукмини тортиш жазосига мубтало эдилар. Уларнинг ичини ваҳима таталарди, ҳар лаҳзада ўлиш, ўққа учиш, минада портлаш, лаънати урушда содир этилиши муқаррар ҳар қандай мусибатни кутиб яшардилар” [2.7]. Ёзувчи Ватан учун жон беришга тайёр халқнинг мард йигитлари умрининг бехудага сарфлаётганини, бемаъни урушнинг келажак авлоднинг умрига зомин бўлаётганини бор бўйича ёритади. Урушнинг ёвузылклари, инсоннинг бир-бирини аямай қириши, қирғинбартонинг, бегуноҳ тўкилган қоннинг жавобини ким бериши қаҳрамонни ўйга толдиради, виждонини азоблайди. “Урушнинг даҳшати шундаки, унда қатнашганларнинг барчаси мажруҳ ҳолга тушадилар, ботиний туйғулар ўрнини куйиб кулга айланган карахтиликнинг бир ҳовуч кули эгаллайди. Одам билан қурол ўртасида битта қўндоқ ва тепкичалик масофа бўлади” [2.8]. С.Алексеевич асарида: “Хўжум ниҳоясига етганда жангчиларнинг юзига назар ташламаганинг маъқул, зеро бу вақтда уларнинг қиёфаси одамзодникига умуман ўхшамайди. Мен бу ҳолатнинг нима эканлигини таърифлашдан ожизман. Чамаси бу пайтда ҳамманинг ҳам эси хиёл оғиб қолгандек бўлади. Уларнинг юзига қарашнинг ўзи қўрқинчли бўлиб туюлади” [1.155]. Инсон қўлига қурол ушласа, ёвузылк тан беради. Аммо ҳар қандай юраги тоза, маънан соғлом кишиларнинг ҳам ҳаётини уруш яксон қилиб ташлайди. “Уруш – кўркув. Кўркув – эсингни йўқотиши. Эсингни йўқотганингда эса сенга барибир. Мен жангда тириклигимниям, ўликлигимниям

ИЛМИЙ АХБОРОТ

унутиб қўяман” [2.33]. Қаҳрамоннинг урушда англаб етган фалсафаси инсон қаридан қолиши учун жуда кўп йиллар яшаши шарт эмас, тез-тез ўлимни ўйлайдиган одамлар ўзларини нечоғлик бепарво, иродали тутмасинлар, барибир ичларидан тўкилиб бўлишади, ботинан ваҳм ўтида қоврилаётган одамлар зоҳирان савдои кўринади. “Кўй боқаётган болани мен укамга ўхшатдим. У ҳозир тақдирга тан бериб чикқан... Боланинг ёши еттидами? Менинг назаримда, болакай ҳаммамиздан кексароқ эди” [2.49]. Урушнинг бутун қиёфаси, дарди мана шу жумлада акс этган. Ҳаётга энди қадам қўйган, дунёни энди англаётган етти ёшли бола ўлимнинг совуқ нафасини ҳис қилиб, ўлимни бўйнига олиб чиққани инсониятнинг таназзули, авлодлар фожиаси эди. Адид қиссаларининг моясини алданган авлод изтироблари, қайғу-аламлари ташкил қиласди. Урушдаги телба тескари ҳаёт, инсон қадрининг нақадар паст баҳоланиши, энди катта ҳаётга қадам қўяётган ёш йигитларнинг ҳаёти саробга айланаб, қурбон қилинаётгани қаҳрамонлар ички оғриқлари, дардлари асосида ёритилади. Қисса қаҳрамонлари кўз олдида юз бераётган ҳаёт суратини кўрмаслик, ўйламаслик учун наша чекишади, спиртли ичимлик ичишади: “...сен ўзингдан йироқлашмай туриб, ёвуз ишларни бажаролмайсан. Урушда ақлинг жойида туриши – бўлмаган гап” [2.44]. Улар ташқаридан бутун кўрингани билан ичичидан тўкилиб, нураб бораётган навқирон йигитлар эди. Улар ташдан навқирон, лекин руҳан ва маънан кекса авлодга айланган эди. “Умрининг барча йилларини яшаб бўлган, кексайиб қолган чоллардай ўтаётган кунларга шукроналар айтардик” [2.49]. Афғон урушига қарши исён сифатида битилган қиссаларнинг моҳиятидан дунёда одам боласидай ёвуз маҳлуқ йўқ эканлиги, у ҳамма ишни қойилмақом қилиб бажариши, яна одам боласидай ожиз маҳлуқ йўқ эканлиги, ўз юрагининг азобларидан, ботиний оғриқлари, кўнглини қоплаган хижипликлардан қочиб кутуполмаслиги, ҳар нарсанинг, ҳатто бир-бирини қиришнингда машқини олган инсон, барибир ўз кўнглидан, юрагидан мағлуб бўлишини англаймиз. Урушнинг даҳшатини мажрухга айланган қаҳрамонлар тийнати ошкор қиласди. Уруш воқеалари ва тафсилотлари асарнинг асосий қаҳрамонлари энди ўн саккиз ёшга қадам қўйган мард, садоқатли йигитлар:

Қўчкор, Ринат, Юра, Нурмахон, Мўмин тимсолларида ёритилади. Қисса уруш фожиаси билан якунланади: “Мен Нурмахоннинг мурдаси тепасида йиғлай олмадим. Кузатувга кетган замполит, Юра ҳамда икки аскарнинг қонга бўялган бошсиз танасига қараб гангид турардим. Вертолётга чиқарилаётган мурдалар ичидан замбилда ётган Мўминни қучоқлаб, ўкириб йиғладим. Унинг қонсиз юзи ҳамда оғриқ сезган кўзлари юрак бағримни тиғлаб юборди... Ҳеч ким чурқ этмасди. Тириклар ҳам ўлган эди ўша кун. Ўша кун биз жангдан қайтмаган эдик” [2.118]. Бемақсад жанг пайтидаги аҳволингни тушунтириш, ўша оғриқли азобларни қайта бошдан кечиришга ўхшайди.

Ёзувчининг афғон уруши тасвиранган яна бир қиссаси “Дарё ортидаги йиғи”да навқирон йигитнинг юрагида кечаётган оғриқли ҳолатларини ҳис қиласми. Қиссанинг бошланишида ёзувчининг асар моҳиятини ёритувчи иқорларини ўқиймиз: “Уруш ҳеч қачон ўзини оқламайди. Айниқса, Афондагиси. Қалтис сиёсатнинг қайроғидан ўткирлашган ойболта янглиғ тириклик илдизини кесиб лаззатланаверади. Мен Афонни қазилган ўрага ўхшатаман. Унда сену биз ётибмиз. Бу урушнинг “ижодкор”лари тепамизда нури сўнган нигоҳимизга қарашга ботинолмай туришибди энди. Қўлларида белқурак. Кўмай десалар, кўзларимизга тупроқ ташлашдан кўркишади...” [2.120].

Қисса ёзувчининг кириш сўзи билан бошланади: “Мен отамни йиглатган, онамни кексайтирган уруш ҳақида ёзмаслигим нечоғлик оғирлигини ҳис қилган ҳолда бу ишга кўл урдим”. Қиссада урушнинг ёвуз қиёфаси, инсоннинг сариқ чақага арзимаслиги ҳақоний тасвиранади. Урушдаги ҳар бир хатти-ҳаракатлар инсон умрини қисқартириши мумкинлигини намоён қиласди. Дала машқидаги аскарнинг ўлими ва уйига қаҳрамонларча ҳалок бўлди, деган хабар билан жўнатилиши. “Ҳар бир лаҳзада кунинг битишини, шу ёруғ дунёни бошқа кўриш насиб этмаслигини кўнглингда туйиб туриш нақадар қийин. Бутун борлиғингни нимадир таталайверади. Сени ўзингга ўхшаган яна бир маҳлуқ кузатиб тургандай туюлаверади. Ўзинг билан ўзинг олишиб, ироданг деворлари емирила бошлайди” [2.161]. Асада ажал билан тиллашиш онлари қайдаражада даҳшатли эканини

“мен” тилидан моҳирона ҳикоя қилинади. Ёзувчи жанг манзараларини кўз ўнгимиизда суратлантирас экан, унда иштирок этаётган жангчиларнинг абор руҳиятини, маънавий фожиасини очишга қаратади. “Биз истак-хоҳиши Ватан ниқобини кийган давр сиёсати кўлида өзғиланаётган шўрпешоналар эдик, холос. Бизни шармандаларча алдадилар, руҳан мажруҳ қилиб ташладилар, энди билсам. Негаки, бу ёқларда эндиғина оқкорани таниётган йигитлар қирилаётган эди, тириклар ҳам ўлиб бўлган эди!..”[2,182] Ёзувчи уруш даҳшатини тасвирлаш орқали

уни “ташкил этган” шўро тузуми ва сиёсатини фош этиш йўлидан бормайди. Ўз ҳалқини афғон ҳалқи каби абор қилган тузум ўзи яратган уруш каби ўлимга, ҳалокатга муқаррар эканлигини қаҳрамон тақдирни кечинмалари орқали англатади. Афғон уруши ҳалқ бошига ваҳшиёна қирғиндан бўлак ҳеч нарса бермади. Қ.Норқобил қиссаларида бош концепция уруш манзараларини ёритишдан иборат эмас, балки уруш инсон томонидан амалга ошириладиган энг улкан жиноят эканлигини асослаш эди.

Адабиётлар:

1. Алексеевич С. Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси. – Т.:Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2018.
2. Норқобил Қ. Биз жангдан қайтмадик. – Т.: Faafur Fулом, номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2016.
3. Remark E.M. G'arbiy frontda o'zgarish yo'q. – Т.: Yangi asr avlodи, 2016.

(Тақризчи: A.Сабирдинов – филология фанлари доктори).